

Тошкент
2019 декабрь

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
28 декабрь
ШАНБА

№ 103-104 (13261-62)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУЪ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимизда кадрлар муаммоси борлигини қайд этган эди. Кўп ўтмай, бу масалани таг заминидан ўрганиш ва ҳал этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадига кенг қўламли ислохотлар бошланди.

Аввало, мактабгача таълим тизими ривожлантирилиб, пойдевор мустаҳкамланди. Ўқув даргоҳларига, педагогларга эътибор қучайди. Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Бу тизимларни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Билимли болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб шундай таълим масканларидан биридир.

Маълумки, VIII-IX асрларда яшаб ижод этган улуг аллома Мухаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисоалар ёзган. У "ноль" рақамини ва ўнлик санок тизимини ҳамда қутблар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Мухаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўнлик санок тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш йўналишларида дунё илм-фани ривожига хизматлари умумэтироф этилган Шарқ олимлари орасида фақат Мухаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўллаб келинаётган "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ах-

борот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларига буюк олим Мухаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили мазкур мактаб қурилишига доир лойиҳалар билан танишган эди. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ушбу замонавий даргоҳ фойдаланишга топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу билим муассасаси билан танишди.

Мактабда кенг шароитлар, фан кабинетларидан ташқари дарслар ҳамда факультатив машғулотларни инновацион усулларда ўтиш учун қўшимча имкониятлар яратилган. Artel, UCell, ZTE ва Huawei компанияларининг махсус синфлари очилган.

Шавкат Мирзиёев ушбу синфлар, бу ердаги шароит, асбоб-ускуналар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Ҳамма ишларимиз, ислохотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги куни учун. Келажагимиз замини эса – сиз, ёшлар. Кўзларингиздан кўриб турибман: сизлар билимли, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишасизлар. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз, – деди Президент.

Мутасаддиларга шу каби илгор бинолар андозаси асосида мактабларнинг қурилиш лойиҳаларини ўзгартириш, методологияни мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

– Ал-Хоразмий бобомизнинг тафаккурига дунё ҳамон қойил

қолади. Бугунги технологиялар, дастурий маҳсулотларга у яратган алгоритм асос бўлган. Сиз бундан фахрланишингиз, буюк аждодимиздек кунт билан ўқиб, доим изланишингиз керак, – деди давлатимиз раҳбари ёшларга қарата.

Мактабда ўқувчилар замонавий мобиль ва компьютер дастурларини ўрганиши, ўз устида ишлаб, тажриба ошириши учун робототехника ва электроника хоналари, инновацион ва виртуал лабораториялар ташкил этилган.

Президент ушбу билим даргоҳида Мирзо Улугбек туманидаги IT-парк бўлинимасини ташкил этиш, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай марказлар очиб, бу соҳага қизикқан ёшларга кенг шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Ахборот-коммуникация технологияларини яхши билган бола кўчада бекор юрмайди, нима биландир машғул бўлади. Ёшларимизни шундай билимли мутахассислар этиб тарбияласак, оиласига, давлатга нафи тегади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда мактабнинг 5-11-синфларига 680 нафар ўқувчи математика ва чет тили синфлари асосида қабул қилинди. Педагогик жамоага Буюк Британия, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан ўқитувчилар жалб этилган.

Шундан сўнг Президентимиз Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб конференц-залида ёшлар билан учрашув ўтказди.

Йигилишни видеоконференц-лока шаклида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар, мутасадди раҳбарлар қузатиб борди.

Кейинги йилларда Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тузилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь Ёшлар куни этиб белгиланди. Ҳозирда Иттифоққа аъзо бўлган ёшлар сони 7 миллион 690 минг.

Бугунги кунда барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий

фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонқуяр ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшлар масъулиятли вазифаларга тайинланаёпти.

Жойларда 8 нафар ёш авлод вакиллари ҳоким ўринбосари этиб тайинланган. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар йигит-қиз сайланган, маҳаллий кенгашларда галаба қозonganларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган 84 нафар ёшлар "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажақ бунёдкори" медали билан тақдирланган.

Ёшлар орасида "Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!" деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчилиكنинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир, – деди Президент.

Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни тақдир этидиган самарали механизм мавжуд эмаслиги қайд этилди.

– Раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор, менга таянч ва суянч бўла оладиган ёшларни жамлайдиган "Ватан ифтихорлари" институтини жорий этсак, сизлар нима дейсизлар, – деди давлатимиз раҳбари. – Бу институтнинг асосий вазифаси ислохотларимиз ва катта режаларимизни ёшларга етказиш, жойлардаги муаммоларни кўтариш ва уларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

Давоми 3-бетда ➡



Вилоят сайлов комиссияси:

САККИЗТА ОҚРУГДА ҒОЛИБЛАР ТАҚРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ

Халқаро матбуот маркази Тошкент вилояти бўлимида сайлов жараёнининг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, туман, шаҳар ҳокимликларининг матбуот хизмати ходимлари ва блогерлар иштирок этишди.

Анжуманда мазкур сиёсий жараёнга вилоятимизда пухта ҳозирлик кўрилгани, сайловга тайёргарлик ва овоз бериш жараёнлари халқаро матбуот маркази Тошкент вилояти бўлими томонидан аккредитациядан ўтган 52 нафар оммавий ахборот воситаси ходимлари ва блогерлар тарафидан расмий интернет нашрлар, ижтимоий тармоқ саҳифалари ва телерадиоканаллар орқали кенг миқёсда ёритилгани таъкидланди.

Матбуот анжуманида вилоят сайлов комиссияси раиси Жалолиддин Насриддинов Халқ депутатлари Тошкент вилоятида бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳақида ахборот берди.

Қайд этилишича, Тошкент вилоятидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 13 нафар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 60 нафар, шаҳар ва туманлар кенгашларига 626 нафар депутат сайланиши керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та сайлов округининг 11 тасида сайловлар ўтган деб ҳисобланди, 2 та, яъни 87- "Ангрен" ҳамда 89- "Бўка" округларида тақрорий овоз бериш ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округидан 52 тасида номзодлар сайланди, қолган 8 та округда эса номзодлар

етарли овоз тўплай олмагани сабабли 3- "Нурчи" (Ангрен шаҳри), 17- "Бўка" (Бўка тумани), 39- "Оҳангарон" (Оҳангарон шаҳри), 26- "Юнусобод" (Тошкент тумани), 47- "Нурафшон" ва 48- "Истиклол" (Нурафшон шаҳри), 49- "Чиноз" ва 51- "Эски Тошкент" (Чиноз тумани)да тақрорий овоз бериш ўтказилади.

Сайланган 52 нафар депутатнинг 17 нафари ЎзХДП, 16 нафари ЎзЛиДеП, 8 нафари "Адолат" СДП, 8 нафари "Миллий тикланиш" ДП ва 3 нафари Экологик партия вакилларидир. Улардан 15 нафари (28,8 фоизи) ни аёллар ташкил этмоқда.

Сайлов кодексига кўра, сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда тақрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда тегишли сайлов комиссиясини ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Кодекс талабларига риоя этилган ҳолда икки ҳафталик муддатда тақрорий овоз бериш ўтказиш керак. Шу муносабат билан вилоятимиздаги 8 та сайлов округида тақрорий овоз бериш 2020 йил 5 январь куни ўтказилади.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қарорига асосан, 2019 йил 22 декабрда ўтказилган

сайлов натижаларига кўра Тошкент вилоятидан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинди:

№	Сайлов округининг номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи	Иш жойи, лавозими
1	88- "Бекобод"	Арипов Даврон Рахимович	1974 йил, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари
2	90- "Бўстонлиқ"	Косимова Қизилгул Эрматовна	1963 йил, Пискент тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари
3	91- "Зангиота"	Варисова Максуда Азизовна	1961 йил, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Депутатлик бирлашмаларининг ишини мувофиқлаштириш ва жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш масалалари бўйича раис ўринбосари
4	92- "Олмалиқ"	Назиркулов Аҳам Ахаткулович	1966 йил, Пискент тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
5	93- "Паркент"	Таджиев Одилжон Патихджонович	1984 йил, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	Тошкент вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
6	94- "Нурафшон"	Пак Виктор Николаевич	1958 йил, Бекобод тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
7	95- "Чиноз"	Кушербоев Расул Хидралиевич	1987 йил, Янгийўл тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
8	96- "Чирчиқ"	Ходжаева Мунира Мирзахмадовна	1966 йил, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Экологик партияси	Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари
9	97- "Қибрай"	Усмонова Дилбар Саидмахмудовна	1960 йил, Термиз шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Қибрай туманидаги "Фарҳод Мадад Шифо" хусусий клиникаси менежери
10	98- "Янгийўл"	Халбаева Дилрабо Джўрабековна	1979 йил, Тошкент тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	"Ражаббой Файз Мурувват" фермер хўжалиги раҳбари
11	99- "Дўстобод"	Шадиева Зухра Турсуновна	1973 йил, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси доценти

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги 1016-сон қарори иловасига кўра, Тошкент вилоятининг 87- "Ангрен" ва 89- "Бўка" сайлов округларида 2020 йил 5 январь куни тақрорий овоз бериш ўтказилади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йил 22 декабрда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловларда 1 млн. 184 минг 238

нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 67,7 фоизи қатнашди.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайлов яқунлари ҳақидаги округ сайлов комиссияларининг баённомаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодек-

сининг 20 ва 97-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилояти сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов округларидан сайлан-

ган депутатлар иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти сайлов комиссияси котиби Д. Шоисманов зиммасига юклатилсин.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси

Ж. НАСРИДДИНОВ

Нурафшон шаҳри, 2019 йил 25 декабрь

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги қарорига ИЛОВА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов округларидан сайланган депутатлар
Р Ў Й Х А Т И

№	Сайлов округининг номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи	Доимий яшаш жойи	Иш жойи, лавозими
1	1-"Ангрен"	Гафурова Севара Абдувалиевна	1981	"Адолат" СДП	Ангрен шаҳри	"Дженерал Моторс Ўзбекистон" акциядорлик жамияти иқтисодчиси
2	2-"Талабалар"	Анаров Атабек Абдувалиевич	1976	ЎзЛиДеП	Ангрен шаҳри	"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Ангрен шаҳар бошқаруви раиси
3	4-"Кончи"	Аминов Шухратжон Абдувалиевич	1967	ХДП	Ангрен шаҳри	"Ўзимёсанот" давлат акциядорлик компанияси инвестицион лойиҳалаш ва маҳаллийлаштириш бошқармаси бошлиғи
4	5-"Металлург"	Убайдуллаев Музаффар Абдурашидович	1976	"Адолат" СДП	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раисининг ходимлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи
5	6-"Фарҳод"	Тўйчиев Алим Исмаилович	1965	ХДП	Бекобод шаҳри	"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони
6	7-"Наврўз"	Ларионов Сергей Владимирович	1980	ЎзЛиДеП	Олмалиқ шаҳри	"Олмалиқ-КМК" АЖ Марказий таъмирлаш механика заводи раҳбари
7	8-"Олмалиқ"	Хурсанов Абдулло Халмуродович	1966	Экологик партия	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тошкент вилояти, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси
8	9-"Кимёгар"	Умаров Фарҳодбек Яркулович	1977	ХДП	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ шаҳри филиали директори
9	10-"Чирчиқ"	Болтабаев Маҳмуджон Рустамович	1969	"Адолат" СДП	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори
10	11-"Саноатчилар"	Ахмедов Анвар Михманович	1970	ХДП	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи
11	12-"Кимёгарлар"	Мухамедов Гафурджан Исраилович	1949	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Чирчиқ давлат педагогика институти ректори
12	13-"Трансформаторчилар"	Сайдахмедов Хотам Анварович	1958	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри	"Максам-Чирчиқ" АЖ бошқаруви раиси
13	14-"Бекобод"	Азаматов Тоҳиржон Турсунбоевич	1980	"Адолат" СДП	Тошкент шаҳри, Сергели тумани	"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи
14	15-"Зафар"	Пирматов Рашид Хусанович	1964	ЎзЛиДеП	Бекобод тумани	"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ Технологик маркази раҳбари ўринбосари
15	16-"Далварзин"	Кодирова Ирода Зулқайнарвна	1963	ХДП	Бекобод тумани	Бекобод тумани Марказий шифохонаси Болалар бўлими шифокори
16	18-"Бўстон"	Абдумухторов Анваржон Акрамжонович	1985	ЎзЛиДеП	Қўбрай тумани	Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси
17	19-"Ғазалкент"	Эрматов Улуғбек Хохимуродович	1978	"Адолат" СДП	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	Тошкент вилояти, "AGROVER PLUS" МЧЖ директори
18	20-"Искандар"	Файзиева Сайёра Мавляновна	1962	ХДП	Бўстонлиқ тумани	Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси
19	21-"Чорбоғ"	Ким Виталий Геннадьевич	1981	ХДП	Қўбрай тумани	Тошкент вилояти Корейслар жамияти маданият маркази раҳбари
20	22-"Назарбек"	Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович	1974	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тошкент давлат аграр университети ректори
21	23-"Эшонгузар"	Хошимбеков Хикматбек Зойтбекович	1969	ЎзЛиДеП	Зангиота тумани	Зангиота тумани, "SUNNATBEK BIZNES" ХК таъсисчиси, "MARXABO BIZNES PLYUS" МЧЖ таъсисчиси
22	24-"Ўзғариш"	Турсунбаева Саодат Гафуровна	1955	Экологик партия	Тошкент тумани	"Sharq Ayoli" халқаро аёллар жамоат фонди бошқаруви раиси
23	25-"Ўрғавул"	Ҳакимова Зулфия Хурматовна	1974	МТДП	Зангиота тумани	Тошкент тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли "Н. Боймухамедов" кишлоқ врачлик пункти мудири
24	27-"Келес"	Закирова Зулфия Шарипжановна	1980	ХДП	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Тошкент вилояти, Тошкент тумани 30-мактаб директори
25	28-"Қизғалдоқ"	Эргашев Сардор Қодирович	1986	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи
26	29-"Ўнқўрғон"	Қадирханова Малика Акбаровна	1967	ХДП	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Тошкент вилояти хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази директори
27	30-"Янгиобод"	Шералиев Раҳматилла	1952	МТДП	Қўбрай тумани	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти Кенгаши Бошқаруви раиси
28	31-"Қўбрай"	Турдибоева Раъно Эшовна	1970	ХДП	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей директори
29	32-"Чинобод"	Ахмедова Гулнора Абдуллаевна	1965	"Адолат" СДП	Қўбрай тумани	Қўбрай тумани, "Қўбрай садоси" газетаси бош муҳаррири
30	33-"Дўстобод"	Қосимов Бахтиёр Зокирович	1959	"Адолат" СДП	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	Тошкент вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори
31	34-"Ўзбекистон"	Арапов Саидқўл Амирович	1959	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	"TCT cluster" МЧЖ бош директори
32	35-"Олимкент"	Ботиров Низомидин Файзуллаевич	1957	ХДП	Оққўрғон тумани	Оққўрғон тумани, 8-умумий ўрта таълим мактаби директори
33	36-"Оққўрғон"	Холматов Рустам Курбонназарович	1961	ЎзЛиДеП	Оққўрғон тумани	Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи
34	37-"Қорахитой"	Тўраев Тўлқинбой Ғаниевич	1958	ЎзЛиДеП	Оҳангарон шаҳри	Тошкент вилояти Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси
35	38-"Телов"	Маткаримов Тошпўлат Қаршибоевич	1960	МТДП	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Олмалиқ шаҳар "Қурама" фольклор-этнографик жамоаси бадий раҳбари
36	40-"Паркент"	Тоиров Маҳмуджон Тўхтаевич	1952	ЎзЛиДеП	Паркент тумани	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари
37	41-"Бойқозон"	Ёкубов Фарҳод Маҳмамович	1969	ХДП	Паркент тумани	Паркент тумани 30-мактаб директори
38	42-"Заркент"	Ризаева Гавҳар Нигмоновна	1980	МТДП	Паркент тумани	"Заркент Гавҳари" фермер хўжалиги раҳбари
39	43-"Пискент"	Иброҳимова Зилола Ғаффоржоновна	1979	МТДП	Пискент тумани	Пискент тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
40	44-"Кориз"	Джўраев Аъзам Худайкулович	1974	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Тошкент тумани, "DJURAYEV AZAM HUDOEQULOVICH" адвокатлик бюроси адвокати
41	45-"Қумовул"	Байзаков Қозимжон Юсупалиевич	1987	ХДП	Юқори Чирчиқ тумани	Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон миллий электр тармоқлари корхонаси етакчи мутахассиси
42	46-"Қорасув"	Сарманов Фаррух Ахмадалиевич	1978	"Адолат" СДП	Нурафшон шаҳри	Тошкент вилояти кардиология диспансери бош шифокори
43	50-"Олмазор"	Худойбергандов Ахмадали Худойбергандович	1953	ХДП	Чиноз тумани	Чиноз тумани 33-ХМКК МЧЖ раҳбари
44	52-"Янгибозор"	Айтекова Гулистан Сапарбаевна	1976	ХДП	Юқори Чирчиқ тумани	Қурилиш ва сервис ХХК директори
45	53-"Дўстлик"	Максудов Алишер Ирқиневич	1974	МТДП	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	"Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарув раиси
46	54-"Жумабозор"	Хибраева Данагул Қалдарбековна	1970	МТДП	Юқори Чирчиқ тумани	Юқори Чирчиқ тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабида директор вазифасини вақтинча бажарувчи
47	55-"Янгийўл"	Джурабаев Адил Тохтасинович	1959	ХДП	Янгийўл тумани	"YANGIYO'L YOG' - MOY" АЖ иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси
48	56-"Янги ҳаёт"	Ахматгалеева Гулнара Мирсобитовна	1966	МТДП	Янгийўл тумани	Янгийўл шаҳри 10-умумий ўрта таълим мактаби директори
49	57-"Йўлдош"	Холмирзаев Бахтиёр Бекмирзаевич	1955	ХДП	Зангиота тумани	Янгийўл тумани "Нуроний" бирлашмаси раиси
50	58-"Навбахор"	Султонова Гулчехра Акрамовна	1961	ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Янгийўл тумани "Султонова Гулчехра" масъулияти чекланган жамияти раҳбари
51	59-"Гулбахор"	Қасимов Рустам Салиевич	1963	Экологик партия	Янгийўл тумани	Янгийўл тумани, "Реал келажақ агро" ф/х раҳбари
52	60-"Шўралисой"	Файзиев Тўлқинжон Обидович	1958	ЎзЛиДеП	Зангиота тумани	O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИ БЎЙИЧА АЙРИМ
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайлови 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига тўла мувофиқ равишда очиқ ва ошкоралик шароитида ўтган сайловда 1 млн. 184 минг 238 нафар ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 67,7 фоизи қатнашди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 8 та сайлов округи бўйича депутатликка номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганлиги аниқланиб,

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 59-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилояти сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи 8 та сайлов округида такрорий овоз бериш 2020 йил 5 январь – яқшанба кўни ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 59-моддасига мувофиқ, такрорий овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп

овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида илгари тузилган сайловчиларнинг рўйхатлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайловини ўтказув-

чи тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш учун бюллетенлар нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тош-

кент вилояти сайлов комиссиясининг 2019 йил 15 ноябрдаги "Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетени намунасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 19/1-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилсин.

5. Ушбу қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Бобокулов зиммасига юклатилсин.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси

Ж. НАСРИДДИНОВ

Нурафшон шаҳри, 2019 йил 25 декабрь

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафзуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг "Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон куралидир", деган сўзларини ёдга олди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва бошқа раҳбарлар ёшлар сиёсати масаласига эътиборни янада ошириши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларга қулай шароит яратиш, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳар бир ҳоким, туман ёки вилоят ҳокими бўлишдан қатъи назар, сектор раҳбарлари билан биргаликда ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб олмас экан, жойларда бу борадаги ишларимизнинг натижаси самарали бўлмайди, — деди Президентимиз.

Аввало, "Ҳоким ва ёшлар" учра-



шувлари тажрибасини давом эттириб, ҳар ҳафтанинг бир кунини Ёшлар масалаларини ечиш куни, ҳар 15 кунда икки кунни фақат ёшлар билан ишлаш куни этиб белгилаш лозимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар ёшларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир марта маҳаллий кенгашлар сессияларида уларни муҳокама қилиши, халқ вакиллари ҳисобот бериши зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар ёшларнинг бандли-

ги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган талабини доимо ўрганиб, ечим топиши керак. Ёшлар мурожаатларини қайд этиш ва таҳлилини юритиш масалаларига алоҳида эътибор бериб, аниқ чоралар кўриши шарт.

Учрашувда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг ҳар бир йўналишини туман ва шаҳарларда тизимли амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўтган йили мамлакатимизда буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Аҳмад Фаргоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадалари ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Ёшлар иттифоқи негизда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ёшлар аудиториясига йўналтирилган теле- ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, "Ёшлар медиа холдинги" ташкил этиш таклифи ҳам билдирилди.

— Янги Ўзбекистонни албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади, — деди Президент.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг таклифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

□ Сурур



Хурлик учун, Ватан учун жон берган,
Халқнинг охи қаламиса қон берган,
Адабиёт оламида шон берган,
Миллат дилин, миллат тилин кавкаби,
Қутлуг бўлсин, Қодирийнинг мактаби.

"Ўткан кунлар" — ўзбекнинг юрак қони,
Қай элда йўқ, айтинг меҳроб чаёни?
Қодирийни қўлаб келди Ўзбекистон,
Қодирийнинг руҳи яйраб нур каби,
Қутлуг бўлсин, Қодирийнинг мактаби.

Кетар йиллар келарига кўзгудир,
Бир Қодирийнинг миллатга орзудир,
Ижод завоқи — бу покиза тўғғудир,
Қалам тугган уғил-қизинг матлаби,
Қутлуг бўлсин, Қодирийнинг мактаби.

Қарор топган адолат бу эл шони,
Юрт эгаси жойга қўйди "Турон"ни,
Бир шукҳули озод дийёр осмони,
Шодликдандир қаро қўллар шабнамни,
Қутлуг бўлсин, Қодирийнинг мактаби.

Деманг, бунда зорлаб турар Қодирий,
Магмур турар, порлаб турар Қодирий,
Ўз боғига қорлаб турар Қодирий,
Бу масканлар Ўзбекистон шарафи,
Қутлуг бўлсин, Қодирийнинг мактаби.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Боғчага қамров 40 ФОИЗдан ошди

Тошкент вилоятида яқунлиги бораётган 2019 йилда 3 та янги мактаб-гача таълим муассасаси ва 3 та мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 30 та мактабгача таълим муассасаси ва 84 та мактабда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 87 та нодавлат таълим муассасаси фаолияти йўл қўйилди. Натижада, вилоятда болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 40,4 фоизга етди. Мактабларда қамров коэффициенти эса 1,3 дан 1,1 га туширилди.

Мамлакатимиз, шу жумладан, пойтахт вилоятида ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг пухта билим эгаллаши, иқтидорини рўёбга чиқариши, мунтазам спорт билан шугулланиши учун муносиб шароит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоят аҳолисининг 1 миллион 403 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда ёшларнинг 246 минг нафардан зиёди маданият ва санъат, 778 минг нафардан ортиги спорт, 200 минг на-

фардан ортиги эса китобхоналик билан қамраб олинган.

Жорий йилда вилоятнинг маъмурий маркази — Нурафшон шаҳрида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида барча замонавий шароитга эга бўлган вилоят "Ёшлар маркази" барпо этилди. Бугунги кунда ушбу марказда 15 та йўналиш бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 1 минг 600 нафардан зиёд ёшлар қамраб олинган.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга қаратилган "Yoshlar — kelajagimiz"



давлат дастурига айланиб Тошкент вилояти, хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида дастур берилган эди. Мазкур дастур доирасида ёшларнинг 240 га яқин бизнес лойиҳасига қарийб 84 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 1 минг 300 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Дастур доирасида, шунингдек, 1 та "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази ҳамда 3 та "Yoshlar mehnat guzari" комплекси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида 1 минг 632 тадан ортиқ медалларни қўлга киритди.

Бу, албатта, вилоятда спортни ривожлантириш, айниқса, ёшларнинг мунтазам спорт билан шугулланиши учун шароит яратиш борасидаги тизимли ишлар маҳсулидир. Бу борада жорий йил вилоятнинг чекка

музика, рассомчилик, хунармандчилик каби тўғаракларга жалб этиш учун барча зарур шароитлар яратилди. 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига вилоятдан 7 нафар спортчи, жумладан, 4 нафари паралимпия ва 3 нафари Олимпиадада йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, спортчилар халқаро мусобақаларда 218 тадан ортиқ медалларни қўлга киритди.

Мухтасар айтганда, вилоятда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пухта билим олиб, жисмонан соғлом, маънан етук авлод бўлиб вояга етиши учун муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар сифат ва самарадорлик жиҳатдан яхшиланиб бормоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА
Мансур ХИММАНОВ
олган сурат

худудларида ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун шароит яратиш мақсадида 52 та спорт майдончаси барпо этилди. Айни пайтда уларнинг сони 218 тага етди. Шунингдек, спортнинг 18 тури бўйича 1 минг 231 маротаба спорт мусобақаси ташкил этилиб, унда 134 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Мухтасар айтганда, вилоятда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пухта билим олиб, жисмонан соғлом, маънан етук авлод бўлиб вояга етиши учун му-

□ Меҳнат жамоаларида
йил сарҳисоби

Юртимизда аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар, тизимли тақомиллаштириш йўлидаги эътибор ва саяё-ҳаракатлар туфайли мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

ЎЗИ ЁШУ ИШИ СОЗ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Абдували Мухриддин агро" фермер хўжалиги 2015 йилда ташкил топган. Мухриддин Абдувалиев бошчилигида "Янги тўлқин" массивида фаолият олиб бораётган фермер хўжалиги дастлабки йили 60 гектар майдонда иш бошлаганди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилган мақбуллаштириш сиёсати натижа-сида фермер хўжалигининг экин майдонлари кенгайтирилиб, жами 157 гектарга етказилди.



Жорий қишлоқ хўжалиги йилида хўжалик аъзолари 75 гектар майдонда пахта-нинг "Наманган-77" навини етиштириб, ҳосилдорликни гектаридан 35-40 центнерга, 66 гектарда галла парваришлаб, 75 центнердан сара дон олишга эришдилар. Давлатга жами 214 тонна юқори сифатли пахта, 260 тонна сара дон ҳосили топширилди. Улардан олинган соф даромад ҳам чакки эмас — 900 млн. сўмдан ортиқни ташкил этади. Шунингдек, хўжалик ташкил этилгандан буён давлатга пахта ва галла топшириш режалари мунтазам бажарилади.

Техника — деҳқоннинг қаноти, дейишди. Бугунги кунда мазкур хўжаликда 10 га яқин энг сўнгги русумдаги техникалар мавжуд. Масалан, чигит ва сабзавот экиш сепякаси, 2 та культиватор, 2 та ҳайдов трактори, 6 та трицеп, шунингдек, Германия, Туркия ва Франция каби давлатлардан келтирилган замонавий техникалардан фойдаланилмоқда. Яқинда фермер хўжалигига ҳомийлар томонидан ўзимизда ишлаб чиқарилган ТТЗ-811 трактори тақдим этилди. Фермернинг таъкидлашича, янги йилда хорижда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги техникалардан яна сотиб олишни режалаштирган.

Мухриддинга меҳнатсеварлик отасидан ўтган. Отаси Нуриддин Каримов ҳам кўп йиллар давомида фермер бўлган. Ёш фермер хўжаликка раҳбарлик қилиш билан бирга, айтиш пайтда Тошкент давлат аграр университетида тахсил олаётган. Бугунги кунда хўжалик 25 нафар доимий ишчиларига эга. Уларга 1 млн. 200 минг сўмдан ойлик маош тўланади. Ишчиларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бепул тарқатилади. Аъзоларнинг саломатлигини тиклаш учун навбати билан

республикамиздаги санаторийларга имтиёзли йўланма ҳам берилади. Кўп тармоқли ушбу фермер хўжалигида боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўналишларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хўжаликда ҳозирги кунда 200 бош қўй, 25 бош қорамол, 200 та парранда парваришланмоқда, шунингдек, балиқ етиштириладиган ҳовуз ҳам ташкил этилган. Бу ерда маҳаллий бозор учун мўлжалланган балиқлар етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган.

Ёш фермер изланишдан сира тўхтамайди. Жорий йилда фермер хўжалиги қошида ўсимликлар клиникаси ташкил этилди. Бундан мақсад — тумандаги фермер хўжаликлари учун сифатли кимёвий ва биологик препаратлар етказиб беришдир. Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркундаларига қарши кураш долзарб масала. Шу сабабли, мазкур клиниканинг фаолияти ҳудуддаги соҳа вакиллари учун айтиш мумкин бўлди.

Ёш фермер М. Абдувалиевнинг келгуси йилда режалари кўп. Хитойдан сўнгги русумдаги нон ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келиб, аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришни ният қилган.

Бугунги кунда фермер инновацион технологиялар, замонавий техникаси мунтазам равишда эришиши қийин. Қолаверса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экинларни томчилатиб суғориш усули оммалашиб бормоқда. Келгуси йилдан мазкур фермер хўжалиги ерларини ҳам замонавий технологиялар асосида томчилатиб суғориш усулига ўтказиш бўйича туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда амалий ишлар олиб боришмоқда.

Одилжон ЭРГАШЕВ

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг Бирлашган қасаба уюшмалари қўмитаси ташаббуси билан Ангрэн шаҳридаги "Осиё" тантаналар саройида корхона ишчилари фарзандлари учун Янги йил байрам ташкил этилди.

БАРЧА ШОДЛИК — БОЛАЖОНЛАРГА

Мингга яқин кичкинтойларга шодлик ва қувонч улашган байрам тадбирида болажонлар шеър ва қўшиқлар айтиб, Қорбобо ва Қорқиздан совғалар олишди.

Дастур янада қизиқарли бўлишига цирк артистлари ҳам ҳисса қўшишди. Улар ижросидаги ранг-баранг композициялар, акробат ҳамда жонглёрларнинг турли ўйинларини болалар қарсақлар билан олқишлашди. Орзиқиб қутилган совғалар ҳам ажойиб бўлди.

Тадбир болажонларга чинакам байрамона кайфият улашди.

Ўз муҳбиримиз



Ўзбекистон Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда бўлди.

Президентимиз 2019 йил июль ойида берган топшириққа мувофиқ Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда ҳарбий қисм қайта ташкил этилиб, замонавий ҳарбий шаҳарча бунёд этилди.

АЛОҚА БЎЙИЧА ҲАРБІЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Куролли Кучлар Олий Бош қўмондони бу ерда яратилган шароитлар, ўқув-тарбия жараёни, замонавий ўқитиш воситалари, шунингдек, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қай даражада жорий этилгани билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги қарорига асосан ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети Мудофаа вазирлиги

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилган.

Мазкур ҳарбий институтда олти йўналиш бўйича офицер кадрлар тайёрланади. Унга кафедра ва малака ошириш факультети фаолияти йўлга қўйилган. Мавжуд лабораториялар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. 700 ўринли ошхона, спортнинг 14 тури билан шуғулланиш имконияти бўлган епик спорт зали бор. Бу ерга курсантлар техник йўналишдаги олий ўқув юрталарининг энг иқтидорли талабалари орасидан саралаб олинади.

Ташриф чоғида ҳарбий хиз-

матчилар, вазирлик ва идоралар, Фанлар академияси раҳбарияти, техника йўналишидаги етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Унда ҳарбий таълимни ривожлантириш, ҳарбий алоқа мутахассисларини саралаш ва тайёрлаш бўйича кенг тизимни йўлга қўйиш борасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги чоралар белгилаб олинди.

Бугунги ахборот асрида тезкор хабар алмасув, айниса, ҳарбийлар учун гоёта муҳим аҳамиятга эгадиги, бу тизимни замонавий

ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, алоқа хавфсизлигини чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрлаш ишларини доимий шакллантириб бориш зарурлиги таъкидланди.


– Бугун алоқа соҳасини ривожлантириш бўйича бир йил олдин бошлаган ишларимизнинг илк натижаларини кўриб турибмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Алоқа бўйича биринчи институтимиз ташкил этилди. Соҳа бўйича ҳарбий қисм билан бир жойда жойлашгани курсантлар-

нинг назарий машғулотларни амалиёт билан уйғун ўтказишда қўл келади. Энди эътиборни сифатга қаратишимиз лозим.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига ҳарбий қисмда амалга оширилган қурилиш ишлари, мудофаа тизимида алоқа тармоқларини модернизация қилиш, жанговар ва ўқув тайёргарлик жараёнларини автоматлаштириш бўйича лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди, ҳарбий қисм фойдаланишида бўлган махсус техника ва алоқа воситаларининг намуналари намойиш этилди.

Ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА



"Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ."

Шавкат МИРЗИЁЕВ

□ Муносабат

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир" мавзусига бағишланган маърузасини ўқиб эканман, суд-ҳуқуқ тизимида ҳали бажарилмаган зарур бўлган кўплаб вазифалар турганини англаб етдим.

Мавриди келганда айтиш керакки, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар сарасига қиради. Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб замирида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни янги босқичга олиб чиқиш ётади. Бу борада сўнгги йилларда юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу йўналишдаги ислохотларни янада изчил давом эттиришимиз учун судлар фаолиятини чинакам назоратчиси халқимиз бўлиши керак. Айни ҳиҷат, мамлакатимизда коррупцияни барча соҳа ва жабҳалардан сиқиб чиқариш, юртни коррупциядан холи давлатга айлантиришга ҳизмат қилади.

Ҳар бир қонун ҳаётимизни янада яхшилаш, эзгу мақсадларга эришиш учун қабул қилинади. Айрим қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият тақдирини, халқ келажагини, ҳар биримизга дахлдор бўлади. Демак, қонунларимиз билан яқиндан танишиш, улардаги эзгу мақсадларни англаб, ҳаётимизда уларга амал қилишимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Қолаверса, қонунларимиз устуворлигини таъминлашда сифатли жамоатчилик назоратини ўрнатсак, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар ва янгиланишлар янада самарали кечади. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласига тўхталар экан, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан бирidir, дея аниқ таъриф бергани жуда аҳамиятли бўлди.

Мухтасар айтганда, маърузада белгилаб берилган вазифалар Конституция ва қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаб, халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Жонибек ТАНГМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят суди девонхона
мудир

ВИЛОЯТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

ОҚЎРҒОН туманидаги 1-кўп тармоккли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотиди "Янги йил арчаси меҳмонда" номли тадбир бўлиб ўтди.



Болаларга олам-олам қувонч ва шодлик улашган тадбир сўнггида кичиктоиларга байрам совгалари улашилди.

ЧИРЧИК шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Амир Темиров номи маҳаллада истиқомат қилувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари "NANOMED" тиббиёт марказида бе-пул тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, кўриқка келган болажонларга байрам совгалари ҳам топширилди.

ОЛМАЛИК шаҳрида 26 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига ҳокимлик томонидан озиқ-овқат жамланмаларидан



иборат Янги йил совгаларини улашилди.

Байрам арафасида ўтказилган "Миллий кинематография: ривожланиш истикболлари ва устувор вазифалар" Республика кино форумида вилотимизда 120 гектар майдонда кино шаҳарчаси барпо этилиши ҳақида маълумот берилди.

□ Шу сонга

Оққўрғон туманида 105 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжи ошиб бораётгани сабабли мавжуд бино торлик қилаётган эди. Маълумотларга кўра, жорий йил-

Янги марказ:

«САРСОН ҚИЛМАЙМИЗ, ОСОН ҚИЛАМИЗ»

Шунингдек, болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш, ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, яқка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) руҳсат бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, электр, газ, сув тизимларига улаиш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш каби давлат хизматлари бўйича мурожаатлар кўп бўлмоқда.

Бу ҳақда Давлат хизматлари марказининг янги биносини фойдаланишга топшириш маросимида гапирилди. Бу туман аҳли учун Янги йил байрами совғаси бўлди. Бинода яратилган шароитлар мурожаатчиларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Айниқса,

шинам зал бўйлаб ўрнатилган белгилар, табассум билан кутиб олувчи маслаҳатчилар, она ва бола хонаси, кутиш жойлари мижозлар учун қўшимча қулайлик яратади.

– Мазкур марказда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди марказ директори Мухиддин Турдидилов. – Бу, ахборот тизимларини идоралараро интеграция қилинишини кучайтириб, хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини таъминлайди. Навбатни тартибга солиш мақсадида Швециянинг "QMATIS" компаниясидан харид қилинган электрон навбат ҳамда баҳолаш тизими ўрнатилди.

Шу ўринда айтиш керакки, ушбу иншоот давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилган бўлиб, ташриф буюрувчиларга кенг ва ёруғ, шинам

нинг ўтган 11 оий мобайнида туман Давлат хизматлари маркази томонидан аҳолига қарийб 18 мингга яқин турли хизматлар кўрсатилди. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида 427 та, юридик шахс сифатида 276 та янги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.



хоналарда хизмат кўрсатилади. 20 та қабул ойнасида шаффофлик мезони асосида хизматлар кўрсатилса, электрон навбат тизими 4 та мониторда акс этиб туради.

Шунингдек, марказда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ҳам фаолият олиб боради.

– Авваллари арзимас юмушларни бажариш учун ҳам кўп вақтимиз давлат идоралари эшигини олдида ўтарди, – дейди "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махмуд Мирзаева. – Энди сарсонгарчиликлар йўқ. Барча ишимиз бир жойда ва тезликда битаяпти.

Шерзод РАЖАБОВ,
Давлат хизматлари агентлиги
вилоят бошқармаси бошлиғи
ўринбосари
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар



ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН БОҒЛИҚ ОДАМЛАР

Янги йил дунёнинг турли бурчакларида турлича кутиб олинади. Шунингдек, ҳар бир халқнинг Янги йил билан боғлиқ гаройиб одатлари ҳам бор.

Масалан, Европанинг айрим ҳудудларида Янги йил арафасида одамлар энг эзгу орзуни қозоғга ёзиб қўяди. Соат 12:00 га бонг урганда эса қозғони ёқиб юборишади. Агар қозғон бонг уриши тўхтагунга қадар ёниб тугаса, бу орзу албатта ушалади, дея ҳисоблашади.

Қадимий Вавилонда Янги йил байрами баҳор ойига тўғри келган. Байрам куни подшоҳ саройидаги жами айёнларини олиб шаҳарни тарқ этган. Халқ эса тун билан кўчага чиқиб, Янги йилни нишонлаган.

Грецияда Янги йил кечаси оила бошлиғи анорни куч билан ерга уради. Сабаби, турли томонга сочилиб кетган анор доналари келаётган йил шу хонадонга омад олиб келади, деб ишонишади.

Италияда Янги йил кечаси уйдаги ҳамма эски кийим ҳамда буюмлардан воз кечиш одати бор. Уларнинг фикрича, қанча кўп эски буюм кўчага ташланса, келаётган йил шунча кўп бойлик ҳада этади.

ЭНГ БАЛАНД АРЧАЛАР РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

"ТурСтат" портали Янги – 2020 йил байрами арафасида МДХ мамлакатлари шаҳарларида ўрнатилган энг баланд арчалар рейтингини эълон қилди.

Арчаларнинг баландлиги тадқиқот натижалари асосида тузилган. Хабарда таъкидланишича, МДХ мамлакатларининг пойтахтларида ўрнатилган арчалар топ-10 талигига Ашхабод (40 метр), Ереван (37 м), Тошкент (36 м), Баку (34 м), Минск (30 м), Душанбе (29 м), Москва (27 м), Бишкек (27 м), Нур-Султон (25 м)

ва Кишинев (20 м) шаҳарларида ўрнатилган арчалар киритилган. Рейтингда биринчи ўринни эгаллаган Туркменистоннинг 40 метрлик бош арчаси Ашхабоддаги "Алем" ("Олам") маданий-кўнғилочар марказ яқинидаги майдонга ўрнатилган. Унинг чироқлари тантанали равишда жорий йилнинг 15 декабрь куни ёқилди.

Иккинчи ўринни эгаллаган Арманистоннинг бош арчаси Ереванда ўрнатилган бўлиб, баландлиги 37 метрни ташкил этади. Унинг чироқлари жорий йилнинг 21 декабрь куни ёқилди.

Пойтахтимизда ўрнатилган байрам арчаси учинчи ўринни эгаллади. 36 метрлик мазкур арча Тошкентнинг Истиклол кўчасидаги Алишер Навоий номи Миллий кутубхона яқинида 2019 йилнинг 10 декабрь куни ўрнатилди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари тайёрлади

Янги йилнинг жозибаси нимада эканини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу бир фараҳ, бир умид, бир қувват манбаининг биз жон сақлаётган муҳитга яқинлашиб келаётганидан эмасми? Янги йил кечаси соат ўн бир яримда, оилавий дастурхон атрофида, гарчи лаҳзалар бизни тобора Охирга яқинлаштираётганини сезиб ўтирсакда, аммо айнан шу муаззам оқшомда ўзимизни ёшаргандек, поклангандек ҳис қилаверамиз...

Янги йил рўйхатлари

ёхуд эҳтиёжлар тўқнашуви



Тан олиш керакки, китобларнинг ҳам илк саҳифаларидаги калималар бизни энг аввал маҳлиё этади. Китобнинг муқовасига қараб баҳоланган, деганларга ахир, шу муқовани яратиш учун ҳам бир дизайнер соатларча меҳнат қилганку, дегимиз келади. Завку мароқ билан, янги мулоҳазаларни топиш умидида мутлаақ қиришамиз. Буёғига ҳарфлар тўлкини оқизиб кетаверади нигоҳимиз кемаларини. Кейин эса жараён чигаллаша бошлайди: саҳифалар оғирлашади, китобни шарт ёпиб кетгимиз келади. Кетгимиз келади, аммо ўтган вақтимизнинг зое кетганини кимгадир исботламоқчидек ўқишни тўтатмаймиз. Киноларда ҳам шундай. Илк дақиқаларидаги ҳаяжон бир бошқача бўлади...

Ҳўш, ҳаётдачи? Сайловлардан сўнг нималарнингдир янгилинишни, қандайдир яхшилик бўлишини кутамиз ва бу кўтиш сайловолди мотивацияси билан қўшилиб ўзгача кайфият касб этади. Оташун нутқлар айнан сайлов пайтларида янада ишончли тус олади. Чунки... Чунки бу янги даврнинг бошланиши-да. Ҳар ҳолда, бизга шундай кўринади.

Илк муҳаббатнинг илк кунларини айтмай қўяқолай. О, бу туйғулар. Кейинчалик кулгили кўринган, аммо

аслида азизу лазиз бўлган илк изтироблар, кўзёшлар... Эсингизга тушаяптими? Ҳамма нарсаси, ҳатто бахтли бўлиш ҳам мумкин эди у пайтлар. Бошланишдаги муфарраҳ дамлар барибир бошқа шуқуҳли кунлардан кўра бизга яқинроқдек туюлаверади. Эсларканмиз, у даврлар бошқача эди, деб кўямиз.

Тақвим саҳифаларини янги санага ўгирмоқнинг ҳам ўзига яраша завқи бор. Ўн тўққиз йигирмага, ўттиз ўттиз бирга айланганини кўриб, қароғларингизда нафақат рақамлар, балки умид ҳам жилланади. Бу умид шуълалари садо бергандек бўлади кўнглингизнинг ҳали тушқунлик қадами етмаган пучмоқларида.

Инглиз тили дарсларига қатнаб юрган йилларим (дарвоқе, у пайтлар ҳам тил ўрганишнинг илк — шавқли даврлари эди) Америкада чиқадиган газета ва журналларни кузатиб борардим. Қай бир кун Нью-Йоркда нашр этилган Wall Street Journal кўлимга тушиб қолди. Янги йил сони экан. Журнал америкаликлардан келаётган йил учун ўз олдига қўйган ўнга мақсад рўйхатини тузиб беришнинг сўраганиди.

Кўпчилик тахминан қуйидаги рўйхатни ҳавола қилган:

1. Озишга ҳаракат қил!
2. Батариб бўлишни ўрган!
3. Ҳаётдан лаззат ол!
4. Тежамкор бўл, пул йиғишни одат қил.
5. Соғлигингга янада кўпроқ эътибор бер.
6. Янги ва мазмунли хобби танла.
7. Ичиш-чекишни ташла.
8. Бошқаларга ўз орзуларини рўёбга чиқаришда ёрдам қил.
9. Севиб қол!
10. Оиланг билан кўпроқ бирга бўл!

Бу рўйхатни ўқиган пайтим бахтли эдим, аммо сезардимки, ич-ичида бир тушқунлик бор. Негалигини билмайман. Балки бу етилиб келаётган,

□ Ҳамма ўқиши шарт... эмас



олаётгани учун ҳам шукр қилишни ис- тайди. Бир халқнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб нимадир ёзиш, тўғриси, чўп устига тегиримон қуришдек гап. Биз майда одамимиз, қадрдон. "Агар сени депутат қилиб қўйса нима қилардинг?" деган саволга "Хов мана шу йўлларни асфальт қилардим", деб жавоб берадиган даражада содда- миз. Шул ваҳдан агар биз тузган рўйхатда омилик аломатларини сез- сангиз, айбситманг. Буям гап йўғи- да гап-да, дейдиларку гурунг пайти.

Майли, энди ўзим учун тузган рўйхатим билан таништирай сизни:

1. Маърифатли бўл.
2. Аждодларингнинг бу дунёдан кетганига асрлар бўлди. Ўзинг- ни европаликларнинг маъна- вийатсизлигини айтиб овуатер- масдан, боболарингдек бўлиш- га амалий ҳаракат қил.
3. Зиёлиларни қадрла, йўқса улар сендан узоқлашаверади.
4. Фақат ўзингни эмас, бошқа- ларнинг ҳам эҳтиёжи борлиги- ни ўйла.
5. Танқид қил деса, қўшнингнинг қўйи қаттиқроқ маъраса ҳам телевизорга чиқиб алжирайверма. Танқиднинг қоидаларини ўрган.
6. Агар сенга бирон масъулият- ли ишни бошқариш топширил- са, ўзингни буткул етим деб ўйла. Яқинларингга меҳрибон- чиликни ишда эмас, уйингда қил.
7. Фикр эркинлиги деб бонг уравер- ма. Ўзингни диққат марказида деб ўйлаганинг ҳолда сен ҳеч кимга қизиқ эмаслигини билиб қолгач ерга қаттиқ кулашингни ёдингда тут. Ўз фикрингни амал- да исботла, ҳайкирик- ларда эмас.
8. Шахсни ҳурмат қил. У ҳам одам деган нарсани ўз вақтида тушун.
9. Кутубхоналар учун кураш, аммо уни бо- зорнинг ўртасида қурган бефаросат- ларни оқлама. Кутубхона маданияти- ни ўзингга сингдир.
10. Маданият ва ростгўй бўл, асл ҳолатни ҳамма билсин.



ларни оқлама. Кутубхона маданияти- ни ўзингга сингдир.

Булар менинг келаси йил учун ўз олдига қўйган, ўзим учун ёзилган талаблар эди. Буларнинг жамиятга қавчалик керак ё покераклигини баҳолаш эса сизга ҳавола.

Янги йил муборак, қадрдошлар!

Мирзоҳид МУЗАФФАР

Бир тумандан икки хушхабар

Байрам арафасида ТОШ- КЕНТ туманида бир йўла икки муассаса фойдаланиш- га топширилди.



"Ҳасанбой гузар" маҳалла- сида янгидан қурилган 150 ўринга мўлжалланган замона- вий 35-мактабгача таълим ташкилотининг очи- лиш маросимида Қорбобо, Қорқиз ва эртақ қаҳрамон- ларининг ташрифи кичиктоғларга бир олам шодлик улашди.

Туманининг Гулис- тон ҳудуди, "Қаш- қарлик" маҳалласи-

да жойлашган мукамал таъ- мирдан чиқарилган 76-сонли қишлоқ оилавий поликлيني- каси ҳам фойдаланишга топ- ширилди.

Мазкур тиббиёт маскани 250 қатновга мўлжалланган бўлиб, 25 мингдан зиёд аҳо- лига хизмат кўрсатади.

Муассасанинг очилиш маро- симида туман ҳокими Акбар Сулаймонов, сектор раҳбарла- ри, туман тиббиёт бирлашма- си ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.



Янги марказ чорлайди

ОҲАНГАРОН тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш мар- казининг янги биноси фойдаланиш- га топширилди.

2 қаватли замонавий бинонинг лойиҳа қиймати 1 миллиард 238 миллион сўмни ташкил этди. Қў- шимча жиҳозлар учун яна 400 мил-

лион сўм ҳамда туман ҳокимлиги томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди.

Янги марказ иш ўринлари ҳақида- ги маълумотларнинг ҳаққонийлиги- ни текшириш мақсадида тўғридан- тўғри солиқ идоралари маълумот- лар базасига уланган.

□ Bolalik bog'i

Bilasanmi, jayan, birinchi Yangi yil...

Sanoqli kunlardan so'ng barchamiz uzoq kutgan Yangi yil kirib keladi. Nafaqat bizlar, balki ota-onalarimiz ham bu bayramga o'zgacha tayyorgarlik ko'rishmoqda.

Ayniqsa, 31 dekabr kuni uyqudan turishimiz bilan oshxonadan kelayotgan shirinliklarning hushbo'y hidi, turli-tuman mevalar, har xil noz-u-ne'matlarining yoqimli ifori kimni quvontirmaydi, deysiz.

Uyning bir chetida katta qilib bezatilgan archa, unga ilingan o'yinchoqlarning go'zalligi, rang-barang archa chiroqlari yong'anida esa quvonganimizdan sakrab, chapak chalayub borishimiz bu bayramning naqadar zavqli ekanligini bildiradi. Yana

Qorbobo bilan Qorqizning sovg'a-salomlar bilan uyga kirib kelganidagi quvonchimizni ta'riflab ham bo'lmaydi.

Shunday go'zal bayram qayerdan kelgan? Birinchi bo'lib kim boshlab berganligi bilan qiziqdim.

Yangi yilni kutish odati hamma xalqlarda bor. Ko'pchilik xalqlarda Yangi yilda archa chiroqlarini yoqish odati uzoq za- monlardan yetib kelgan. Bu odat qadim zamonlarda Germaniyada istiqomat qilgan xalqlarda paydo bo'lgan. O'sha uzoq o'tmishda odamlar qish vaqti o'rmonda doimiy yam-yashil archa atrofiga to'planishib, gulxan yoqishgan,

qo'shiq aytib, o'yin-kulgi qilishgan.

Bilasizmi do'stlar, Yangi yil hamma xalqlarda birday 1 yanvardan boshlanmas ekan. O'rta Osiyo va yaqin Sharq xalqlarida Navro'z bayrami qadimiy, an'anavi yangi yil bayrami hisoblanadi.

Qadimgi rimliklarda mart yilning birinchi oyi hisoblangan, chunki bu vaqtda dala ishlari boshlangan. Yil 10 oydan iborat bo'lgan, keyin oylar soni 2 ta ko'paygan.

Biz kutayotgan 2020 yil sanog'i boshlanishidan 46 yil oldin Qadimgi Rim imperatori Yuliy Sezar yilning boshlanishini 1 yanvarga ko'chirdi.

Shohro'z UMARJONOV tayyorladi

Эски йил ЛАТИФАЛАРИ

— Янги йил кириши арафаси — соат кечки 12:00 га бонг ураётган- да, бир эркак ният қилибди: "Шу йил со- хибжамол, чиройда тен- гсиз қизлар билан тани- шиб олай!"

— Ҳўш, танишибдими чиройли қизлар билан?

— Ҳа, албатта! Хотини яна иккита эгизак қиза- лоқлар тугибди...

— Ойижон, бугун мак- табимизда битирув ке- часи бўлиб ўтади. Тилла узугимни тақсам майли- ми?

— Йўқ! Мумкин эмас!

— Нега энди мумкин эмас?! Янги йилга совға қилинган тилла занжир- ни тақиш мумкин эмас, 8 мартда совға қилинган "Матиз"ни миниш мум- кин эмас — бувимникида чанг босиб ётибди. Сак- кизта пальтоим бор, бирортасини кийиб кў- чага чиққаним йўқ! Қачон мумкин бўлади, қачон?!



— Она кизим, даданг нафақага чиққандан сўнг! Ҳозирча у оддийгина ДАН ходими, шунинг учун мумкин эмас!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.ru
Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таърифи компьютер марказида
терили ва Тоҳир Маҳмудов
томонидан саҳифаланган.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма Г-1243. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 430 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 02.00. 1 2 3 4 5

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ

Касаба уюшма кўмитаси



барча юртдошларимиз, оловқалб металлурглари
яқинлашиб келаётган

Янги йил байрами

билан чин дилдан муборакбод этади.

Янгиланаётган Ўзбекистонимиз – жонажон диёримиз
янада гуллаб-яшнайверсин.

Эшак қоқаётар Янги йил

Тухта. Сарҳисоб қил, бир оз ўзингни,
Сен айта олдингми йилга сўзингни,
Меҳрингга қондириб қора кўзингни,
Неки топган бўлсанг, муқаддас деб бил,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Маърифат зиёси илмдир танҳо,
Бешта ташаббусга қўшдик беш баҳо,
Даҳолар юртидан туғилгай даҳо,
Ҳиссиёт авжйда, қолмади бедил,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Дўстим, дилда борин тингла, айтмайин
Мозий яқин келар вақт ўтган сайин,
Умринг бир йили кетмоғи тайин,

Бу дамлар ганимат, дил амрини қил,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Маърифат қарвони йўлдадир ҳамон,
Ақлу заковат-ла, улғаяр замон,
Шу туйғу дунёни сақлайди омон,
Сир-Аму тўлғайдир, тўлғай ҳатто Нил,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Бизга яқинлашар япон, олмонлар,
Чиндан ушалмоқда орзу, армонлар,
Юракка ёзилгай асил фармонлар,
Умидим каттадир, уйғон, эй кўнгли,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Ҳар дилнинг ўзгача шитоби бўлгай,
Севиб ўқийдиган китоби бўлгай,
Чарақлаб тургувчи офтоби бўлгай,
Оғир тин оламиз ва бир оз енгил,
Эшак қоқаётар жўшиб янги йил.

Ашурали БОЙМУРОД



UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

Тошкент филиали жамоаси

барча юртдошларимиз ва
вилоятимиз аҳлини
кириб келаётган

Янги ~ 2020 йил

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчамизнинг
хонадонимизга бахт,
омад ҳамда қувонч
олиб келсин!

Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти жамоаси

юртимиз аҳлини кириб келаётган

Янги йил

билан самимий муборакбод этади!

2020 йил барчамиз учун чексиз имкониятлар,
янги ютуқлар йили бўлсин!

Соғлиқ, бахт ва омад сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!